



**Изоҳлар билан фикр билдирилган  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

"POPDONMAHSULOTLARI" Акциядорлик жамияти раҳбариятига йўлланган аудиторлик хулоса

Адресат: **"POPDONMAHSULOTLARI" Акциядорлик жамияти**  
Манзили: Поп тумани Хужабод кишлоғи Темирўл бекати кучаси  
Хисоб рақами: 202100008000193358001 Поп Агробанк булими МФО: 00238  
СТИР: 200087242, ИФУТ 10610  
Аудит ташкилоти **МChJ "SAMIMIY AUDIT" auditorlik tashkiloti**  
Руйхат рақами: № 366, 10 январ 2008 йил Ўз.Р. Адлия Вазирлиги  
Лицензия: АФ № 00700, 4 январ 2010 йил Ўз.Р. Молия Вазирлиги  
Ташкилот директори: Ахмаджанов Мухтор Махмуджанович. Ауд.сер. № 00733 5.02.2001й  
Манзили: Наманган шаҳри, Намуна кучаси 35 уй, Ширкат идораси 2 қават  
Хисоб рақами: 20208000004670677001 Асакабанк Наманган булими МФО 00231  
СТИР: 206944438, ИФУТ 69202, тел.: 8(369) 227-55-80. e-mail: samimiy-  
hulosa@mail.ru

Мен, Молия Вазирлигининг 2001 йил 5 феврал № 00733 сонли малака сертификатига эга аудитори Ахмаджанов Мухтор Махмуджанович томонидан, аудиторлик ташкилотига «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга хукукини берувчи» лицензияга асосида хўжалик юритувчи субъект "POPDONMAHSULOTLARI" Акциядорлик жамиятининг бухгалтерияси томонидан тақдим этилган; корхонанинг ташкилий ҳукукий асослари ҳужжатлари, бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ва улар асосида тайёрланган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари, айланма ҳисоботлар, иш ҳақи ҳисобланиши ҳужжатлари ҳамда 2017 йил 31 декабр ҳолатига булган молиявий ҳисоботи (1-шакл "Корхона баланси", 2-шакл "молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" ҳамда солиқ ҳисоб китобларини, 2018 йил 15 январда № 10 шартномага асосан мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан утказилди.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "POPDONMAHSULOTLARI" Акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.


Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

### Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект "POPDONMAHSULOTLARI" Акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи тузилишида камчиликлар мавжуд, яъни барча ҳисобрақамларидаги пул маблаглари колдиги 2017 йил 31 декабрь ҳолатига баланс курсаткичи (320сатр) 225 277 минг сум булгани холда холда банк кучирмалари аналитик ҳисобларда 92655,6 минг сум булиб 132621,4 минг сум фарк қилган. Бундан ташқари 2017 йил 1 январь ҳолатига иш хақи бўйича ишчи ходимларга туланиши керак булган иш хақи кредиторлик қарзи иш хақи китобида 828271 минг сум булиб баланс курсаткичи (720 сатр) 179473 минг сум акс акс этган орадаги фарк 648798 минг сумни ташкил этган. Йил охирига келиб иш хақи кредиторлик қарзи иш хақи китобида 193953 минг сум булиб баланс курсаткичи (720 сатр) 111561 минг сум акс акс этган орадаги фарк 82392 минг сумни ташкил этган.

### Изоҳлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари, "POPDONMAHSULOTLARI" Акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

Жамият директори:  **Ахмаджанов Мухтор Махмуджанович**

Хулоса тузилган сана 23 апрел 2018 йил

